



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№2

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

PhD, И.Ш.Эрназарова

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

Ўзбекистон худудида

тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д., профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Обид Мамаюнович Пардаев Коммунал хизматларни кўрсатишда креатив ёндошув асосида синергетик самарага эришишнинг инновацион йўналишлари	87
Ибодулла Хасанович Ибрагимов, Лариса Алижоновна Мусабоева Подходы к исследованию мультиатрибутивных параметров на рынке образовательных услуг вузов: рекомендации и методология	92
Durbek Mirzaaxmadov Xizmat ko‘rsatish korxonalari raqobatbardoshligini oshirishning xorij tajribasi	96
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Дилафруз Каршиевна Усманова Социальное партнерство как основа диверсификации национального туристского продукта Узбекистана	99
Farida Abdusalimovna Axmedjanova, Sadoqat Murodjonava Vahobova O‘zbekiston turizm xavfsizligini ta’minlashdagi huquqiy va amaliy chora-tadbirlar tahlili	109
Темурбек Бобурмирзо ўғли Саломов Хизмат кўрсатиш тизимида зиёрат туризмини ўрни ва ўзига хос хусусиятлари	111
Rayhona Sadriddinovna Amriddinova, Marjona Otabekovna Asliddinova Navoiy viloyatida qishloq turizmini rivojlantirishda marketing strategiyalarini qo‘llash	114
Зумрад Исламовна Усманова Развитие сферы услуг и туристической индустрии в Узбекистане: тенденции, вызовы и перспективы	117
Матлуба Абдиманабовна Куймуратова Туризмнинг турлари ва улар таркибида экологик туризмнинг ўрни ва аҳамияти	121
Хасан Абдусаидович Рахимов Туризм ва меҳмонхона соҳаси самарадорлигини оширишда қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг таснифи	125
Askar Axrorovich Siddikov, Shukurullo Nusratullo o‘g‘li Haqqulov Turizm va mehmonxona sanoatining iqtisodiy ahamiyati	128
Akbarjan Sabirjanovich Madaxanov, Zaynab Sattarovna Naimova, Akmal Akbarjanovich Madaxanov Ekologik va rekreatsion turizm destinatsiyalarini yaratish va ulardan foydalanishda inson omili masalalariga doir mulohazalar	132
Nozima Miraxmad qizi Toirova Turistik xizmatlar bozorining rivojlanish tendentsiyalari: innovatsion yondoshuvlar va ishlab chiqarish samaradorligi	137
Farida Abdusalimovna Axmedjanova, Bekjon Nizom o‘g‘li Ismatullayev Turizm va mehmondo‘stlik industriyasida standartlashtirish va muvofiqlikni baholash xizmatlarining takomillashtirish yo‘llari	141
Rayhona Sadriddinovna Amriddinova Navoiy viloyatida qishloq turizmini rivojlantirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish	144
Shaxnoza Toshpulatova Tarixiy arxitektura yodgorliklarining turizm sohasini rivojlantirishdagi ahamiyati va hududlar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga ta’siri	147
Sitora Otabekovna Xamroyeva, Rayxona Sadriddinovna Amriddinova Innovatsion turizm sohasida zamonaviy marketing reklamalarining o‘rni	150
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Jahongir Bakhodirovich Ergashev Korxonalarda xarid faoliyatini tashkil etish va boshqarish xususiyatlari	153

13. Алимова Г.А. Рекреацион-туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш (Тошкент вилояти мисолида): и.ф.б. Фалсафа доктори PhD диссертация. -Т.: ЎзМУ, 2019.;

М.Куймуратова	М.Kuimuratova
Виды туризма, место и значение в них экологического туризма	Types of tourism, place and importance of ecotourism in them
<p>Аннотация. В статье рассматриваются виды туризма, роль и значение в них экологического туризма. Кратко описываются некоторые виды туризма, которые развиваются в мировом масштабе, в частности, индивидуальный (личный) туризм, международный туризм по культурному наследию, оздоровительный туризм, спортивный туризм, экологический туризм и т.д. Также даны научные рекомендации о необходимости расширения культурных и экологических знаний.</p> <p>Ключевые слова: туризм, виды туризма, безопасный туризм, безбарьерный туризм, экологический туризм, трудовой туризм, оздоровительный туризм, спортивный туризм, демократический туризм, индивидуальный туризм.</p>	<p>Abstract. The article examines the types of tourism, the role and significance of ecotourism in them. It briefly describes some types of tourism that are developing on a global scale, in particular, individual (personal) tourism, international cultural heritage tourism, health tourism, sports tourism, eco-tourism, etc. It also provides scientific recommendations on the need to expand cultural and environmental knowledge.</p> <p>Keywords: tourism, types of tourism, safe tourism, barrier-free tourism, eco-tourism, labor tourism, health tourism, sports tourism, democratic tourism, individual tourism.</p>

Хасан Абдусайидович Рахимов – СамИСИ “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси доценти, PhD

ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Аннотация. Мақолада туризм ва меҳмонхона соҳаси самарадорлигини оширишда қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг алоҳида белгилари бўйича таснифи батафсил ёритиб берилган.

Калит сузлар: туризм, меҳмонхона, туризм соҳасида бошқарув қарори, меҳмонхона хўжалигида бошқарув қарори.

Кириш. Барча соҳалар сингари туризм ва унинг таркибий қисми бўлган меҳмонхона соҳасида ҳам кадрлар менежментини такомиллаштириш бугунги кунда объектив заруратга айланди. Чунки, иқтисодий-ижтимоий жараёнлар шиддат билан ўзгариб, такомиллашиб бораётган бир паллада, уни бошқарадиган барча иқтисодий механизмларни ва унинг таркибий қисми бўлган менежмент ҳам такомиллашишни талаб қилади. Шу туфайли мазкур масаланинг асосий йўналишларини қараб чиқиш, уларнинг соҳа самарадорлигини оширишга таъсирини ўрганиш ўта долзарб масалалар сирасига киради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Буни муаммонинг ўрганилганлик даражасидан ҳам яққол билиш мумкин. Хизмат кўрсатиш ватуризм соҳаси тадқиқотлари билан бир қанча МДХ мамлакатлари олимлари шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига Ю.Ф.Волков¹, Л.П.Шматко² кабиларини киритиш мумкин. Республикамиз олимларидан М.Қ.Пардаев³, И.С.Тухлиев⁴, Н.Тухлиев⁵ кабиларнинг асарларида ҳам туризм ва меҳмонхона бизнесини ривожлантиришнинг у ёки бу жиҳатлари, айрим ҳолларда уларда

¹Волков Ю.Ф. Экономика гостиничного бизнеса. Изд. 2-е.- Ростов н/Д.: Феникс, 2005. – 380 с.

²Шматко Л.П.и др. Туризм и гостиничное хозяйство. – М.: ИКЦ «МарТ»; Ростов н/Д.: ИЦ МарТ, 2003.

³Пардаев М.Қ. Атабаев Р. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ. 2006 – 74 б., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Т.: “Иқтисод ва молия”. 2008. -259 б.

⁴Тухлиев И.С ва бошқалар. Туризм асослари. Ўқув кўлланма. - Самарқанд, СамИСИ, 2010. -247 б.

⁵Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. –Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. – 386 б., Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. – 416 с., Тухлиев Н.,

самарадорликни ошириш масалалари тадқиқ этилган.

Бироқ, мазкур олимларнинг асарларида туризм ва меҳмонхоналарда сервис сифатини яхшилаш ва улар самарадорлигини ошириш масалалари яхлит ҳолда бир-бири билан боғлиқ равишда чуқур тадқиқ этилмаган. Туризм ва меҳмонхона хўжаликларида кўрсатиладиган хизматлар самарадорлигини ўрганишнинг объектив зарурлиги ушбу мавзуда чуқур тадқиқот олиб бориш лозимлигини тақозо қилади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, макон ва замон, тизимли ёндошув каби услублардан, натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлганда молиявий-иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Одатда қарорларни қабул қилиш ва уларни амалга оширишнинг андозасини белгилаб бериш бир гуруҳ ходимларнинг (асосан раҳбар ва менежерларнинг) ижодий фаолияти бўлиб ҳисобланади. Албатта булар жамoa мажлисларида муҳокама қилиниб, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Қарорларнинг ишлаб чиқилишидан тортиб бажарилишигача бўлган вақтда ҳамма тадбирлар мазкур соҳада самарадорликни оширишга қаратилган бўлади. Бу бир қанча босқичларни ўзида қамраб олади. Булар куйидаги расмда ўз ифодасини топган.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, туризм ва меҳмонхона соҳасида ҳам бошқарув қарорлари бир қанча белгилари бўйича таснифланади. Нашр қилинган адабиётларни ва амалиётни тадқиқ қилиш натижасида бошқарув қарорларини куйидаги 7 та белгиси бўйича таснифлаш мумкин, деган хулосага келдик. Буларни мазкур жадвалда кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Туризм ва меҳмонхона соҳаси самарадорлигини оширишда қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг алоҳида белгилари бўйича таснифи¹

Т/р	Таснифлаш белгилари	Таснифи
1.	Бажариш муддати бўйича	- узоқ муддатли (4 йилдан ортиқ муддатга); - қисқа муддатли (бир йилгача); - ўрта муддатли (1 йилдан 3 йилгача).
2.	Қамраб олиш даражаси бўйича	- умумий (ҳаммага тегишли қарор); - қисман (айрим мутахассисларга, бўлимларга тегишли қарор).
3.	Мураккаблиги бўйича	- мураккаб ечимга эга қарор; - оддий ечимга эга қарор.
4.	Димийлиги бўйича	- такрорланадиган қарор; - бир марталик қарор.
5.	Мазмуни бўйича	- иқтисодий ҳаётга оид; - ижтимоий ҳаётга оид; - ҳуқуқий масалаларга оид; - сиёсий ҳаётга оид; - маънавий ва маърифий йўналишга оид қарорлар.
6.	Имкониятларни инобатга олиниши бўйича	- ички имкониятларга таянадиган; - ташқи имкониятлардан фойдаланиши кўзда тутилган (банк кредити, ташқи инвесторлар, ҳомийлар каби).
7.	Янгилиги бўйича	- анъанавий мазмундаги қарорлар; - инновацион мазмундаги қарорлар.

Туризм ва меҳмонхона хўжаликларида бошқарув қарорлари ҳам бажариш муддати бўйича турли даврларга ўз ичига олади. Кўп қарорлар, одатда жорий даврга мўлжалланган

Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. –Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. – 386 с.

¹Жадвал нашр қилинган адабиётларни тадқиқ қилиш натижасида ва туризм соҳасининг амалиётини ўрганиш асосида муаллиф томонидан тузилди.

бўлади. Булар қисқа муддатли, яъни бир йилгача бўлган даврда бажарилиши таъминланиши лозим бўлган қарорларни ташкил қилади. Кўпгина адабиётларда бир йилдан ортиқ вақтга мўлжалланган қарорларни узоқ муддатда бажариладиган қарорлар, деб юритилади. Бундай қарорларни бир йилдан уч йилгача даврни қамраб олишига қараб ўрта муддатли қарорлар, деб аталишига қўшилаемиз. Узоқ муддатли қарорлар тўрт ва ундан ортиқ муддатга мўлжалланган бўлади. Булар меҳмонхона ёки туризм соҳасининг строгегиясини белгиловчи самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар бўлиб ҳисобланади. Шу жиҳатдан барча қарорларнинг турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бошқарув қарорларининг навбатдаги йўналиши қамраб олиш даражаси бўйича таснифланади. Бунда қарорлар, юқорида таъкидланганидек, умумий, яъни мазкур субъектда фаолият кўрсатадиган ҳамма ходимларга тегишли қарор бўлиб ҳисобланади. Масалан, туризм ва меҳмонхона хўжаликларида иш самарадорлигини ва сифатини оширишга қаратилган қарор. Бу ҳамма ходимларга тегишлидир. Бироқ, ушбу соҳада ҳам айрим мутахассисларга, бўлимларга тегишли қарорлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ўз вақтида иш ҳақини беришга эришиш, бу асосан бухгалтерия ходимларига тегишли. Ёки кадрлар малакасини ошириш графигини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бу бевосита кадрлар бўлими ходимларига тегишлидир ва ҳ.к. Бундай мазмундаги қарорлар қисман аҳамиятга эга бўлган қарор бўлиши мумкин.

Бошқарув қарорларини мураккаблиги бўйича ҳам таснифлаш мумкин. Бу ҳолда мураккаб ечимга эга бўлган қарорларни инобатга олиш лозим. Бундай қарорларни бажаришда раҳбарлар, менежерлар, мутахассисларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари лозим бўлади. Акс ҳолда ушбу қарорни бажариш имконияти бўлмайди. Масалан, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни модернизация қилиш жараёни. Бунинг учун мазкур қарорнинг бажарилишига оддий механикдан тортиб раҳбаргача, бухгалтердан тортиб, молиявий менежергача ҳамма ходимларнинг жалб қилинишини талаб қилади. Шу билан бирга туризм ва меҳмонхона хўжаликларида оддий ечимга эга бўлган қарорлар ҳам бор. Ушбу қарорларнинг ечими оддий. Масалан, булар жумласига ходимларнинг навбатчилигини белгилаш ва уни таъминлашга қаратилган қарор ёки ходимларнинг сменасига ўзгартиришлар киритиш бўйича қабул қилинадиган қарорлар кабиларни келтириш мумкин. Буларнинг барчаси мазкур субъектларда самарадорликни оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Бошқарув қарорларининг навбатдаги йўналиши, уларнинг доимийлиги бўйича таснифланишидир. Бунинг бир йўналиши такрорланадиган қарорлар бўлиб ҳисобланади. Бундай қарорлар вақти-вақти билан такрорланиб туради. Масалан, ҳар йили мазкур субъект фаолиятида самарадорликни оширишга қаратилган режани тузиш ва тасдиқлаш бўйича қабул қилинадиган қарор. Ёки йил (чорак) якулари бўйича ҳисоботни тақдим этишга қаратилган қарорнинг қабул қилиниши кабиларни таъкидлаш жоиз. Мазкур гуруҳ таркибида бир марталик қарорларнинг борлигини ҳам инобатга олиш лозимдир. Булар бир марта қабул қилинади ва бажарилади. Унга кейинчалик умуман қайтмаслиги мумкин. Масалан, туризм соҳасига оид дунё миқёсида ташкил қилинган конференция делегацияларини кутиб олиш, уларни жойлаштириш ва жўнатиш билан боғлиқ тадбирларни қамраб оладиган қарорларни келтириш мумкин.

Бошқарув қарорларининг навбатдаги йўналиши қарорларнинг мазмуни бўйича таснифланишидир. Иқтисодий соҳада бошқарув қарорлари биринчи галда иқтисодий ҳаётга оид бўлишини инобатга олиш лозим бўлади. Самарадорликни ошириш учун энг аввало иқтисодий омилларин инобатга олиш лозим. Мазкур соҳадаги яна бир йўналиш ҳуқуқий масалаларга оид қарорлардир. Бу ҳам ўзига хос масалаларни қамраб олади. Чунки меҳнат жамоасидаги ижтимоий адолатга қонун устуворлигини таъминлаган ҳолдагина эришиш мумкин. Ижтимоий адолат бор жойда ривожланиш, самарали меҳнат жараёни мавжуд. Бошқарув қарорларининг мазмуни бўйича таснифланишида муҳим йўналишлардан бири сиёсий ҳаётга оид қарорлардир. Ушбу қарорлар ҳам хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, меҳмонхона хўжаликлари ва туризм соҳаси учун муҳимдир. Чунки ушбу соҳанинг самарадорлиги туристлар оқимига боғлиқ. Булар эса мамлакатдаги сиёсий вазиятга боғлиқ. Бир-бирига чамбарчас боғлиқликни самарадорликни оширишга қаратилган қарорларни қабул қилишда инобатга олмаслик

мумкин эмас. Бевосита соҳа персоналларини бошқаришга қаратилган қарорлардан бири, маънавий ва маърифий йўналишга оид қарорлардир. Инсонларнинг маънавияти барча масалаларни ҳал қилади. Агар уларда ўз корхонасига ишига садоқат руҳи кучли бўлса, самарали фаолият кўрсатмасликнинг ўзи мумкин эмас. Шу туфайли ходимлар маънавияти юксак бўлишини таъминлайдиган қарорларни қабул қилиш лозим.

Бошқарув қарорларининг навбатдаги йўналиши, уларнинг янгилиги бўйича таснифланишидир. Субъектлар самарадорлигини оширишда асосан анъанавий усуллардан фойдаланиб келинган. Шу мазмундаги қарорлар синалган ва тажрибаларга таянган бўлади. Шулар билан бирга ҳар қандай самарадорликни оширишда янгиликларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ҳозирги тез ўзгаришлар даврида инновацион мазмундаги қарорларни қабул қилишни тақозо қилади. Ҳозирги пайтда технологик жараёнлар тез ўзгараётган паллада ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг рақобатбардошлигини таъминлаши лозим. Бунга эришиш учун асосий йўл инновацияларни ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишга ва иш бажаришга жорий қилишдан иборатдир.

Хулоса. Бу соҳа бошқарув қарорларини қабул қилишда имкониятларни инобатга олиниши бўйича ҳам таснифлаш мумкин. Чунки, хўжалик юритувчи субъектларда, унинг таркибий қисми бўлган туризм ва меҳмонхона хўжаликлариди самарадорликни ошириш учун асосан ички имкониятларга таянилади. Чунки, ички имкониятлар мазкур субъектнинг сай ҳаракатларига бевосита боғлиқдир. Ҳар бир субъектда ички имкониятлар билан бирга ташқи имкониятлардан ҳам кенг фойдаланиши мумкин. Бошқарувда бундай имкониятларга банк кредити, ташқи инвесторлар, ҳомийлар кабиларни киритиш мумкин. Уларнинг маблағларидан ҳам самарали фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилишга эришиш мақсадга мувофиқ.

Кўриниб турибдики, туризм ва меҳмонхона соҳаси самарадорлигини оширишда қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг алоҳида белгилари бўйича таснифи, унга эришишнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олади. Агар улар бевосита амалиётга жорий қилинса, самарадорликка эришишнинг асосий янги-янги йўналишлари очилади.

Х.Рахимов	Kh.Rahimov
Классификация управленческих решений, принимаемых для повышения эффективности туристско-гостиничного бизнеса	Classification of management decisions to be adopted in increasing the efficiency of the tourism and hotel industry
Аннотация. В статье подробно рассмотрена классификация управленческих решений, принимаемых в целях повышения эффективности деятельности предприятий туристической и гостиничной отрасли по их отдельным признакам.	Abstract. The article describes in detail the classification of management decisions to be made in order to improve the efficiency of the tourism and hotel industry according to specific characteristics.
Ключевые слова: туризм, гостиница, управленческое решение в сфере туризма, управленческое решение в гостиничном хозяйстве.	Keywords: tourism, hotel, management decision in the field of tourism, management decision in the hotel industry.

Askar Axrorovich Siddikov – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti dotsenti v.b.

Shukurullo Nusratullo o‘g‘li Haqqulov – SamISI, TM-124-guruh talabasi

TURIZM VA MEHMONXONA SANOATINING IQTISODIY AHAMIYATI

Annotatsiya. Ushbu maqolada turizm va mehmonxona sanoatining zamonaviy iqtisodiyotdagi o‘rni hamda iqtisodiy o‘rni va bandlikka qo‘shayotgan hissasi tahlil qilinadi. Chet el valyutasi oqimi, yangi ish o‘rinlari yaratilishi va xizmatlar sektorining rivojlanishi kabilar asosiy yo‘nalishlar sifatida ko‘rib chiqiladi. Shuningdek, infratuzilmaga investitsiyalar jalb etilishi, transport va logistika sohalari bilan integratsiya jarayonlari yoritiladi. Maqolada O‘zbekistondagi mehmonxona biznesi rivoji, xalqaro tarmoq kompaniyalarining bozordagi o‘rni va mavsumiy narx strategiyalari ham tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: turizm iqtisodiyoti, mehmonxona sohasi, ish o‘rinlari, investitsiyalar, infratuzilma, xorijiy valyuta oqimi, narx siyosati..

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

19.05.2025 йилда теришга берилди. 06.06.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0036А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.